СОВЕТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МАСЖИДЛАРГА МУНОСАБАТИ ТАРИХИДАН

Р.М. Юсупов

Мақолада собиқ Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда ислом дини ва масжидлар фаолиятига оид иккиёқлама сиёсати архив материаллари асосида тизимли таҳлил этилган. Мазкур соҳага оид қабул қилинган қонун ва қарорлар, кескин чоралар ёритилган.

Калит сўзлар: *II жаҳон уруши, Диний бошқарма, Диний ишлар кенгаши, ибодатхона, зиёратгоҳ, руҳоний.*

В статье на основе архивных материалов системно анализируется двуличная политика Советского правительства в отношении религии ислама и деятельности мечетей в Узбекистане. Освещены принятые законы и решения, а также проведенные мероприятия по данному вопросу.

Ключевые слова: *вторая мировая война, Религиозное управление, Совет по религиозным делам, храм, святое место, духовенство.*

In this article on the basis of archive materials the author analyses the former Soviet government's double-sided policy in Islam and masjids, laws and decrees on this sphere attracting archive materials.

Key words: *World War II, Religious department, council of religious affairs, restricted freedom, place of worship, pilgrimage and clergyman.*

Жамият ҳаётини диний муносабатлардан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмаслиги айни ҳақиқат. Лекин, тарихнинг далолат беришича, турли даврларда диний эътиқодга турлича муносабатда бўлинган. Бу эса мазкур ҳақиқатни билмаслик ёки уни тан олмаслик натижасидир. Советлар замонида Ўзбекистон мусулмонларининг диний қарашлари, диний амалларини адо этишларига бўлган муносабатни шу нуқтаи назардан ўрганиш, айниқса, муҳим хулосаларга олиб келади.

Ўзбекистон ҳудудида 1917 йил октябрь тўнтариши арафасида 10 мингга яқин масжидлар фаолият юритган бўлса, II жаҳон урушининг дастлабки йилларига келиб ҳар бир вилоятда 2-3 тадангина масжид қолган, бошқалари эса ёпилган эди.

II жаҳон уруши айни кучайган 1943 йилга келиб Совет ҳукумати ислом ва бошқа динларга қисман эркинлик беришга мажбур бўлди. Мамлакат барча халқларининг очлик, қаҳатчилик ва бошқа моддий етишмовчиликлардан тинка-мадори қуриган, аза

очилмаган хонадон деярли қолмаган эди. Бундай шароитда нафақат қўлига қурол олиб жанг қилаётганлар, балки фронт ортида заҳмат чекаётган, урушнинг аламини тортиб, жони бўғзига келган ҳар бир инсонга биринчи навбатда руҳий мадад зарур эди. Мазкур вазиятда диннинг тасалли берувчилик вазифасини яхши англаган Совет ҳукумати динга чекланган эркинлик берган.

Бунинг натижасида 1943 йил 20 октябрь Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси – Диний назорат ташкил этилган. Бошқарма раиси – муфтий лавозимига Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон сайланди [1.22]. Бошқарма масжидлар очилиши ва фаолиятига раҳбарлик қилган. Республика ҳудудида диний назоратни амалга ошириш, масжидлар ва руҳонийлар фаолиятини назорат қилиб туриш учун Республика Халқ Комиссарлари Совети қошида Диний ишлар кенгашининг вакили лавозими ташкил қилинди. СССР ҳукумати расман масжидлар очишга рухсат берган бўлишига қарамай, амалда унга сунъий тўсиқ ва чекловлар қўйилган эди. Масалан, биргина масжид очиш учун ЎзССР ХКС тавсияси ва СССР ХКС қарори талаб қилинар, бу эса диндорларга қийинчилик туғдирар эди. Шаҳар ёки районда 1 та масжид бўлса, 2-сини очиш мумкин эмас эди.

1944 йил IV чорагидан 1945 йил I чорагига қадар диний ишлар кенгашининг Ўзбекистон вакилига масжид очиш тўғрисида 214 та ариза тушган. Шулардан 15 тасигина ижобий ҳал этилган, қолганларига эса рад жавоби берилган эди.

1946 йил 31 декабрда Ўзбекистонда Диний ишлар кенгаши томонидан рухсат берилган 72 та масжид мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти 1946 йилда очилган. Мисол учун, Андижон вилоятидаги 7 та масжиддан 4 таси, Наманган вилоятидаги 4 та масжиддан 2 таси, Бухоро вилоятидаги 5 та масжиддан 4 таси, Қашқадарё вилоятидаги 6 та масжиддан 5 тасига айнан шу йилдан фаолият юритишларига рухсат берилган [3.18-21]. 1947 йил 1 ноябрга келиб Республикадаги масжидлар сони 90 тага етган [4.7]. Масжидлар сонининг кўпайиши сабаби шундаки, мавжуд қоидаларга кўра узоқ вақт давомида ишлаётган масжидлар давлат рўйхатига олиниши шарт эди. Республикада фаолият юритган 90 та масжиддан 29 тасигина Диний ишлар кенгашининг рухсати билан ташкил этилган бўлса, қолган 61 таси узоқ вақтдан буён ишлаётганлиги сабабли рўйхатга олинган эди. Масжидлар кўпайишидан манфаатдор бўлмаган Совет ҳукумати бу жараённи тўхтатиш чорасини кўрди. 1947 йил 20 ноябрдаги Диний ишлар кенгашининг Ўзбекистон бўйича вакили ўзининг Андижон вилоятида 1 ноябргача рўйхатга олинган ибодатхоналар тўғрисидаги ахборотида шундай деб таъкидлайди: “Узоқ вақт ишлаётган ибодатхоналарни рўйхатга олиш тўхтатилди. Бундан кейин ибодатхоналар фақат СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Диний ишлар кенгаши рухсати билангина рўйхатга олинади” [4.7].

Ўзбекистон Министрлар Советининг 1953 йил 20 июндаги “Диний маросимлар ҳақидаги Совет қонунларини бузиш фактлари тўғрисида”ги қарорида Ўзбекистон Молия вазирлигига ноқонуний фаолият кўрсатаётган руҳонийларни аниқлаш ва уларга солиқ солиш ишини кучайтириш мажбурияти юклатилди [2.79]. Диний ишлар кенгашининг вилоят вакиллари эса норасмий очилган масжид имомлари, эшон, шайх, дуохон, парихон ва бошқаларнинг рўйхатини тузиб молия бўлимларига топширди. Диний ишлар кенгашининг Ўзбекистон бўйича вакили томонидан 1953 йил 26 августда Андижон вилоятидан 138, Наманган вилоятидан 111, Самарқанд вилоятидан 50, Бухоро вилоятидан 25, Тошкент вилоятидан 30, Хоразм вилоятидан 16 нафар руҳонийларнинг рўйхати тузилиб, Республика молия бўлимларига топширилган. Бу каби чоралардан руҳонийларни безитиш, уларни диний ишлардан четлатиш кўзда тутилган эди.

1956 йилда биргина Тошкент вилоятининг ўзида 74 та норасмий фаолият юритаётган масжидлар мавжуд эди. 1959 йилда уларнинг 42 таси, 1960 йилда эса 15 таси ёпилган [7.7]. Фаолияти тугатилган масжид бинолари кутубхона, медпункт, пионерлар уйи каби маданий-маърифий ва хўжалик ташкилотларига берилган. Бу каби шошилинч чоралар мусулмон диндорлари уларни қайта очиб олмаслиги учун ўйлаб топилган эди.

Бухоро вилоятида 1959-1960 йилларда 20 га яқин масжид ва зиёратгоҳлар, жумладан, халқ орасида машҳур бўлган Баҳоуддин Нақшбанд ва Абдухолиқ Ғиждувоний зиёратгоҳлари ёпилган. КПСС МК 1960 йил 13 январда “Диний маросимлар ҳақидаги Совет қонунларининг руҳонийлар томонидан бузилишини тугатиш тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди. 1960 йил 4 февралдаги ЎзКП МКнинг “Диний маросимлар тўғрисидаги Совет қонунларини бузиш фактлари тўғрисида”ги қарорида руҳонийлар хизматчи ходимларни ортиқча кўпайтириб юборган, ибодатхоналарни кенгайтирган ва таъмирлаган деб танқид қилинган. Масалан, Орджоникидзе тумани ижрокоми томонидан 1961 йил 20 июнда Ўнқўрғон масжиди маҳаллий ҳокимият идораларининг рухсатисиз 2 та айвон қурган, намоз ўқиладиган майдон сиғимини кенгайтирган деб беркитилган [8.6].

Партия органларининг юқоридаги қарорлари асосида маҳаллий партия-совет идоралари масжидларга, руҳонийларга қарши кескин кураш

бошлади. Бу қарорларга қадар чекланган даражада бўлса ҳам масжидлар очиш давом этаётган эди. Мазкур қарорлардан кейин Диний ишлар кенгашининг рухсати билан очилган масжидлар ҳам ёпила бошланди. Диний ишлар кенгаши Ўзбекистон бўйича вакилининг 1962 йил 1 сентябрдаги маълумотига кўра, Совет идораларининг рухсати билан фаолият юритаётган Тошкент шаҳридаги "Қизил товуш", Чиғатой, Чақир, Саричопон, Тошкент вилоятидаги Ховос, Қумқўрғон, Андижон вилоятидаги Ғойиб берди, Сўфи домла, Самарқанд вилоятидаги Митан масжидлари ёпилган [9.83].

Шунингдек, рухсатсиз янги масжидлар қурилганлиги, расмий ишлаётган масжидларда эса намоз ўқийдиган янги хоналар, айвонлар, идора, меҳмонхона ва бошқалар қурилгани ҳамда намоз ўқийдиган майдоннинг кенгайтирилгани каби баҳоналар билан ҳам масжидларни ёпиш давом этган. Масалан, 1950-йиллар охирида Тошкент шаҳрида 2 та, Тошкент вилоятида 4 та янги масжид қурилгани ва улар рухсатсиз ишлаётгани аниқланиб, фаолияти тўхтатилган.

Тошкент шаҳрининг Октябрь (ҳозирги "Шайхонтоҳур") туманида 1944-1945 йилларда 11 та рўйхатга олинган масжиднинг намоз ўқийдиган майдони 2141 кв.м. бўлган. 1961 йил 1 январда эса уларнинг майдони 9347 кв.м. ни ташкил қилган [6.40]. Бу қурилишлар диндорлар ҳисобидан амалга оширилиб, давлатга зарар етказилмаганига қарамай, уларга нисбатан жазо чоралари кўрилди. Совет идораларининг рухсатисиз қўшимча бино қурганлиги учун расмий масжидларнинг айримлари бузилган. Янги қурилган, таъмирланган норасмий масжидлар эса рўйхатдан ўтказилмаган.

Совет идораларининг тазйиқи остида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диний назорати Ҳайъати 1961 йил 17 февралда масжидларнинг штатини қисқартириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Бу қарор асосида вилоятлардаги масжидларда руҳонийлар ва техник ходимлар сони камайди. Диний назоратнинг берган маълумотига кўра, 1960 йил 1 январида Республика масжидларида 493 нафар ходимлар ишлаган бўлса, 1961 йил 1 июлга келиб уларнинг сони 247 нафарни ташкил қилган. Яъни масжид ходимлари икки баробар қисқартирилган [5.97]. Булар Совет органларининг мавжуд масжидлар фаолиятини заифлаштириш ва охир-оқибат динни жамиятдан ажратиш юзасидан амалга оширган чоралари эди.

Хулоса қилиб айтиш керакки, мустабид тузумнинг барча босқичларида Советлар Ўзбекистонда ислом динига, унинг таянчи бўлган масжидларга қарши кураш олиб борган. Уруш ва ундан кейинги йилларда шароит талаби билангина ислом ва бошқа динларга чекланган даражада эркинликлар берилди. Ҳукумат халқнинг мустабид тузумга бўлган нафратини сусайтириш, урушдан тинкаси қуриган одамларга руҳий мадад бериш мақсадида масжидлар, ибодатхоналар очишга рухсат берган бўлса, бу жараённи назорат қилиш ва дин ҳамда диндорларнинг жамият ҳаётига таъсирини камайтириш учун турли тўсиқлар, баҳоналар билан уларнинг фаолиятини чеклаган, баъзиларини эса ёпиб, уларнинг ўрнида омборхоналар ташкил этган. Советлар исломга қарши қанча курашмасин, масжидларни ёпиб, диндорларни таъқибга олмасин, ислом динини ўзбек халқининг онгидан, қалбидан сиқиб чиқара олмади. Совет мустамлакачилиги, коммунистик мафкура ҳукмронлиги даврида ҳам ўзбек халқи Аллоҳни ўз қалбида, юрагида асраб, авайлаб келди.

Адабиётлар:

1. Бобохонов Ш. Сўнмас зиё. – Т.: Мовароуннаҳр, 1998
2. ЎзР МДА, 2456 фонд. 1-рўйхат, 33-иш.
3. ЎзР МДА, 2456 фонд. 1-рўйхат, 83-иш.
4. ЎзР МДА, 2456 фонд. 1-рўйхат, 109-иш.
5. ЎзР МДА, 2456 фонд. 1-рўйхат, 266-иш.
6. ЎзР МДА, 2456 фонд. 1-рўйхат, 268-иш.
7. ЎзР МДА, 2456 фонд. 1-рўйхат, 273-иш.
8. ЎзР МДА, 2456 фонд. 1-рўйхат, 296-иш.
9. ЎзР МДА, 2456 фонд. 1-рўйхат, 321-иш.

Андижон қишлоқ хўжалиги институти,
2016 йил 18 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. И.Алимов)